

Об-хавосига сал-пал чидаса бўладиган киш кунларининг бирида, пешиндан кейин Лом йўлига айлангани чикдим. «Айлангани чикдим» сўзларини эшитганда олдинга ва оркага силжувчи хар хил одамлар орасида одоб саклаб аста-аста кетаётган, модага мувофик кийинган, танишлар учраганда назокат ила жилмайиб, эхтиром-ла таъзим бажо айлаб, тинмай шляпаларни кўтариб кўйишларни тушунадиган дўстларни огохлантириб кўяй, уларнинг умиди пучга чиқади: бу йўл у қадар ёқимли кўринишга эга эмас. Софиядан хар хил йўналишда ям-яшил далалар бўйлаб сарик тасмалардай таркалиб кетувчи катта йўллар орасида Дунай бўйидаги Лом шахри билан туташтирувчи бу йўл энг кимсасиз ва бошкент одамлари менсимайдиган тарафдир. Софияликлар шаркка ва жанубга борадиган йўлларда айланиб юришни афзал кўрадилар. Лом йўлини факат дехконларнинг гурсиллаган одимлари жонлантиради: хар пайшанба, яъни бозор куни, оломон турнакатор манзара хосил қилиб шовкинлаганча Софияга талпинади.

Лекин бу йўлнинг бир бебахо устунлиги борки, унинг бошка камчиликларини ортиги билан коплаб юборади: одам бу йўлда мацца қилиб ёлғизланиши, тўғрироги, ўзини эркин хис қилиши мумкин. Балки, бу менинг назаримда шундайдир. Чунки кўпинча одам шахар шовқини ва югур-югурларидан бир дақиқага бўлса хам кутулгиси, тоза хаводан эркин нафас олгиси келади, мацца қилиб фикр ва хаёлларга берилган холда, жамият расм-русумлари исканжасидан фориғ бўлиб, хохлаган ерида тентираб юргиси келади, гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга қараб, ҳеч керак бўлмаса хам, бировга таъзим қилиб, бировнинг таъзимига жавоб қайтариб, турмуш беҳаловатлиги, ёлгон ва мунофиқлик (тилёгламалик) театрида катнашиш, беихтиёр бунинг иштирокчиси бўлишдан қочгиси келади. Шу нуқтаи назардан қараганда Лом йўли — бенихоя гўзал жой, фавкулудда ишонарли бошпанадир.

Яна бир зўр томони шуки, бу ерда кўз ўнгингизда бағоят ажойиб, тасвирлаш имкони бўлмаган панорама, бетакрор кўринишлар ястаниб ётади! Кўзларни мафтун этувчи, кўнгилларни антика шодлик билан тўлдирувчи манзаралар! Бу ерда шундай енгил-енгил тин оласизки! Бу ердан кенг София текислиги узра ажиб тоғлар силсиласи бутун яхлитлиги билан, кўрки-жамолию гўзаллиги билан кад ростлаганча кўриниб туради. Бу ерда кўхна тизмалар (Стара-планина) яп-яқин, унинг сон-саноксиз паст-баланд тепаликларини рохатланиб томоша қиласиз — битмас-туганмас тизмалари уфқнинг бутун шимолий қисмини эгаллаб ётади! Олис-олислардан бир қараганда бу унчалик баланд бўлмаган ва ўрмонсиз тоғ чўққиси худди бир хил ва ҳеч нимаси билан эътиборга лойикмасга ўхшаб кўринади; аммо мусаввирнинг ошиқ нигоҳи унда шундай қутилмаган тафсилотлар, шундай бир нафислик, чизгилар, шакллар, ранглар, бурилмаларни кўриши мумкинки... Айниқса, қуёш уни ён томондан ёритганда табиатнинг бу қомил асари қаршисида завқдан нафаси тикилиб қолиши ҳеч гап эмас. Кўхна тизмалар жанубдаги бахайбат ва салмоғи оғир Витошанинг бутунлай тесқариси. Гогол, Худо рус кишисини худди бир нимтадан уч-тўрт болта зарби билан бироз қўпол қилиб яратганга ўхшайди, деб тахмин қилганидай, Витоша хақида хам шундай хаёлга боради киши.

Табиат! Мен қачон унинг қаршисида тўхтасам, юрагим ийиб оқиб кетгандай бўлади, бутун борлигим энг яхши, соқин кечинмалар билан тўлмаган пайти бўлмайди. Факат у билан бирга бўлган пайтларимдагина ичимдаги қабих хавотирлар ва қундалиқ майда-чуйда манфаатларнинг овози ўчади. Инсон табиат билан апок-чапоқликда ёлғиз ва қушдай эркин бўлади, болага айланган пайтлари оз бўлмайди, бу дунёда борлигидан

англашилмас кувонч хис килади, Оллох гўзал, ёруг, улугвор килиб яратган барча нарсалардан ҳеч қандай тўсиксиз, тўйгунча ором олади, ундан лаззатланади, уни сидқидилдан яхши кўради! Агарки Холук инсонни чала килиб яратган бўлса, агар айблари, хирслари, бузукликлари, рухий ва жисмоний кусурлари олий комилликдан жуда узокда бўлса, унутмангки, табиат — унинг энг мукамал асаридир; унда Яратганнинг мағрур мухри бор, унинг ўзидай, унинг аслидай кўринишга эга, унинг ўзидай улуг, унинг ўзидай мангу, унинг ўзидай илохий ва меҳрибондир.

Мен феврал ойида Лом йўли бўйлаб сайрга чикқандим, бу сайр рухимда чуқур ва ўчмас таассурот қолдирди. Кул рангидаги куюк булутлар бутун осмонни қоплади, аммо шундай баландликда, тоғ тизмасининг оппоқ чўкқилари булутдан холи қолди. Анчагина кучли, лекин соғлом ва ёқимли бир изгирик; об-хаво тинч; сал-пал кўқарган кузги арпапоярлар билан ёнма-ён чўзилиб кетган йўлда аравалар заранг килиб юборган изларнинг охири кўринмайди. Бу изларнинг қок ўртасидан бир сўқмоқ ўтганки, у ҳам юрилавериш котиб кетган. Бу сўқмоқ бўйлаб кетишнинг у қадар огирлиги йўқ. Киш совуқлари қамраган кенгликлар мунгли сукут ичра мудрайди; факат «ка-ка» лаганча қаргалар галаси учиб ўтади ё телеграф симларига қўнади ва ё ерга инади. Оксочли Витоша ва Кўхна Тизмаларнинг қорли чўкқилари ўз совуқ осмонларидан қафанлари йиртилиб ҳар ер-ҳар ери очилиб қолган ўлик далаларга қандайдир огир, англашилмас, жиддий назар билан қараб туришарди. Гарб томонда, унча тик бўлмаган паст-баланд Вискер тизма тоғларининг ёнбағирлари узок-узокларга қараб кетган, у ёқларда булутлар даста-даста бўлиб бутун уфқ бўйи то ергача осилиб тушгани кўриниб турарди. У томондан келаётган курук ва совуқ шамолга қараб у ерда қор ёғаётганини фахмлаш қийин эмасди. Йўлда ҳеч зог йўқ эди. Бутун манзара сирли гўзалликка тўла — киш осмони остида аллақандай шеърият уфуриб турарди. Гўзаллик, шеърият... Гап кишнинг жозибасиз ва маъносиз манзараси устида кетаётганда, эҳтимол, бу икки сўз галати эшитилар. Гўзаллик ва шеърият ҳаёт тушунчаси билан боғлиқ, улар одамда ёркин ранглар, қароғонлик байрами, биллур жилгаларнинг шилдир-шилдири, сокин сояларда пичирлашаётган япроқлар, ойдин кечаларнинг сеҳрловчи жимлиги хақидаги тасаввурни жонлантиради. Аммо ўлик сукунат-чи, ҳеч қандай ҳаракатнинг йўқлиги, мик этган бир овоз, инсоний ҳароратнинг йўқлиги-чи? Майитли тобут кўриниб турганда гўзаллик туйғуси уйғонадими? Гўзалликнинг биронта унсури бўлмаган жойда шеърият нафаси сезиладими? Билмадим, аммо бу гапнинг киш манзарасида шундай гўзаллик, шундай шеърият мавжуд эдики, шоирнинг қалами, мусаввирнинг мўйқалами буни гавдалантиришга қирашса, барча уринишлар зое қетарди; улар кўкларнинг шодликларга тўла манзарасини бой оханг ва қирралари билан тасвирлашда қийналмай нозик санъат шакллари яратган бўлсалар-да, мен айтган гўзаллик ва шеъриятни яратишда анчагина қийналган бўлардилар. Бу киш манзарасининг гўзаллиги ва шеърияти шунчаки хис қилинар, идрок этилар, фикр гўзаллигидай, гоёнинг қучидай қўнғилдан жой олар эди.

Бу ҳазин манзара бутунча шоирона ниётларга уйғун эди, неча қўнғилдан буён менинг ҳаёлимдан қетмай юрган режамга мос қеларди. Мен теран ўйларга чўмиб темирўл бекатидан бир қақиримча беридаги қорувулхонага етиб бордим.

Вискер томондан эсаётган намчил шамол юзларимга майда қор учқунларини ура бошлади. Кейин ҳавода чир-чир айланаётган ва бир-бири билан тўқнашаётган пага-пага қорлар изма-из қелди. Энди қуюк булутлар менинг бошим устида қалашди. Қор қорая бошлаши билан совуқнинг қаҳри ошди. Шу аснода бир қари дехқон аёлни учратиш

колдим. У нимагадир улгурмай колган, хассасини тўкилладиб, ошикканча тез-тез келарди. Йўлимиз бараварлашганда, мен тўхтаб унга салом бердим. Алик олиб, у хам тўхтади. “Илоё тан-жонингиз сог бўлсин”, — деб кўйди.

Мусичадеккина, жуда қари аёл эди. Кийим-кечак ва латта-путталар тугунига ўхшаб кетадиган бир юк ботик кўкраклари устидан кесишган иплар билан сиртига боғлангани сабабли, томирлари бўртган, коксуяк кўллари бўш колган эди.

— Каёқдан келяпсиз, бувижон? — сўрадим мен.

У мен билмайдиган бир кишлокнинг отини айтди.

— У бу ердан узокми?

— Мен каллаи сахарлаб йўлга чиккандим... Узок, тоғларда яшаймиз.

Демак, роппа-роса ўн соат йўл юрибди, мен уни учратганимда хам деярли чопиб кетаётган эди!

Мен беихтиёр ёшини сўраганимда:

— Етмишларга бордим-ов, — деди. — Ха, шундай, таксир, етмишлардаман.

Унинг афт-ангори хам буни тасдиқлар эди. Вой Худойим-е, йиллар, огир меҳнат, махрумиятлар исканжасида ох-воҳсиз ўтган кийинчилик ва машаккатлар унинг юзида накадар чуқур емирувчи излар колдирибди-я!

Бу коксуяк, тинка-мадори куриб корайиб, тупрок ранг бўлиб кетган юзни хамма йўналишда хунукдан хунук чуқур ажинлар коплаган эди: хаёт ўзининг барча шафқатсиз жабру жафоларини шу юзда акс эттирган, аёлга хос бирон бир инсоний нафисликка ўрин колдирмагандек туюларди. Бу юз, холи-жони колмаган ва газаби кайнаган хўкизлардай аллакандай жирканч ифодали машъум бир никобга ўхшаб кўринарди.

«Корай, тери, чида, жон!» — неча-неча асрлар бўйи давом этган куллик, азоблар, таърифга сигмайдиган укубатлар булғор халкининг калбидан мана шу дахшатли сўзларни ситиб чикарди. Бу аянчли юзни кўрганда беихтиёр шу сўзлар аклга келарди.

Факат унинг хира ва сўник нигоҳли кўк кўзларида энди бу кўркинчли никобни жонлантириб юборувчи аллакандай илик, беозор, маъюс бир нур пайдо бўлди.

Бирдан каердадир жуда якин жойда аллакандай хайвон пихиллади. Мен атрофимга алангладим.

— Нимани кидиряпсан, эй жаноб? Болачанинг йигиси бу, — деди у, сиртидаги юкини кўрсатиб.

Зўрга эшитилувчи, бўгилган, заиф овоз такрорланди.

— Болани каёкка олиб кетяпсиз, бувижон? Кимнинг боласи у? — деб сўрадим ундан, бола уники эмаслигини тушуниб.

— Келинимнинг боласи! — жавоб берди у хўрсиниб, йиглаб юборишига сал колди.

Кейин: — Кўряпсанми, жаноб? Хали у зигирдак, кечагина тугилди.

— Кеча? Уни каёкка олиб кетаяпсиз?

— Софияга обкетаяпман. Онаси кечанинг ўзида узилди. Мен сахарлаб йўлга чикдим, коронги тушгунча етиб олай деб шошилиб кетяпман. Хам кичкиради... хам йиглайди...

Хали бир мартаям эмгани йўк. Етим колди...

Кампир менга титрок овоз билан оиласидаги гамгин воқеаларни гапириб берди.

Кеча келини кўзи ёриётганда вафот этибди, бундан икки ой олдин унинг эри, кампирнинг навкирон ўгли кандайдир номаълум бир касалликдан ўлган экан. Бор-йўги ўн хонадонли кишлокда янги тугилган чакалокни эмиза оладиган биронта хам жувон топилмабди, бола эса очликдан ўлай деяпти. Уй совук, ўтин йўк, шамол кўйлақларнинг тагигача кириб, баданни музлатади... гам-гусса ва кашшоклик. Ўзи болани Софияга олиб

боришга ахд килибди: балки, кимдир олар! У ерда ҳеч кимни танимайди, фақат бир карвонсаройнинг бошлигини билади, қачонлардир у ерда бир кўниб ўтган.

— На отаси, на онаси бор... Оллохнинг хузурига кетишди. Мен, кўлидан бир иш келмайдиган кампир, уни парвариш қилолмайман. Эртага ўзим ўлиб қолишим ҳам ҳеч гап эмас... Мана, кимгадир беришга шахарга обкетаяпман! — хўрсиниб такроради у. — Олгиси келган бир одам топилиб қолар! Йўкса шўрлик очликдан ўлиб қолади, ханузгача эмизилмаган.

Латта-путталар ичида бўгилиб кетган чакалок, худди кампирнинг гапларини тасдиқлагандай, каттик, аввалгидан ўткиррок овоз билан чинкириб юборди, аммо шу ондаёқ яна жим бўлиб қолди. Мен кўкариб кетган бошчасининг латта-путталар бекитолмаган ва кескин окшом совугидан саклолмаган бир қисмини кўрдим.

— Балки, Софияда худонинг розилиги учун шу қошиқдай болачани асраволишга кўнадиган яхши одамларни биларсан?

Мен, бола кизми, ўгилми, деб сўрадим.

— Киз, — жавоб берди кампир.

У ночор кўзларимдан ёрдам беролмаслигимни англаб, менга таъзим қилди ва чопа-чопа илгарилаб кетди.

Бола латталар ичида бигилларди; совук хавода гупиллаб ёгаётган қорнинг пага-пага учқунлари очик қолган бир бурдагина юмшоқ бошчасига урилаётгандирки, унинг овози оппоқ кенг далаларда гоҳ тиниб, гоҳ таралиб борар эди.

Мен бўлсам қорли қенгликлараро сиртида бола билан йўқ бўлиб бораётган пастгина бўйли кампирдан кўзларимни узолмай миҳлангандай турган жойимда қотиб турардим. Ўшал дақиқада қўнглимни тўлатиб юборган оғир ўйлар ва иложсиз азобларни ҳеч қачон унутмайман. Мен шундоқ ёнгинасида момақалдирик гулдураб ганғиб қолган одамга ўхшардим. Ўзгартириб бўлмайдиган, аёвсиз, шафқатсиз ҳаётнинг бу кўркинчли фожиаси, қаҳри каттик турмушнинг бу ҳақиқати, одам ҳар қуни ҳар қадамда тўқнаш келадиган минг-минглаб одамларнинг бири юрагимни илдиз-илдизигача зиркиратиб юборди. У энди менда катта бахтсизликни кўрганда ҳар қандай одамда ҳам уйғонадиган аянч ва ҳамдардликни эмас, аллақандай бошқа, бундан дахшатлирик, бундан қучли ва азоблирик, қандайдир аҳмоқона бир иш қилган одамнинг виждон азобига яқин турадиган ички галаёнли хавотирга ўхшаш бир туйғуни уйғотди. Хозиргина, шул дақиқада, менинг қалбим ширин ҳаёлларнинг енгил тўлқинларида жон қойитмай сузаётган бир пайтда, тўсатдан шундоқ бурни бурнимга тўқнаш келган бир одамнинг қорасиз мусибати, менга Дунёвий Ёвузлик шахси олдида, атрофимда хўнграётган, кўзёшлари сел бўлган, қутурган денгизга ўхшаб бутун борликни ютиб юбораётган буюқ дунёвий дард-алам қаршисида менинг жиноий манманлигим, менинг худбинлигимга қарши оташин қорозилиқдай, таънадай таъсир қилди... Шунда бошқаларнинг бошидаги офат ҳақида ўйлашга йўл бермайдиган тўқ ва фаровон ҳаётимиз кўз ўнгимда шундай жирқанч бўлиб кўриндики! Биз қўнглимизда шундай эъзозлайдиган ва авайлайдиган нозик рухий эҳтиёжларимиз ва дидларимиз менга бахтсиз халқнинг оғир тақдирдан шафқатсизларча қулишга ўхшаб кўринди.

Аянчли аҳволда ҳалок бўлган ота, кўзи ёриётганда ўлган она, икковининг ҳам ҳеч қандай тиббий ёрдам кўрмаганлиги, очлик-яланғочликда, шундай бир совук пайтда кечагина, эҳтимолки, бугун кечаси тугилган бахти қаро етимча, шундай осонгина ва кўзга ташланмай йўқолган бутун бир меҳнатқаш оила — булар халқ оммасининг қундалиқ ҳаётидаги доим бўлиб турадиган оддий бир ҳодиса, ҳолос. Ва бу омма

сабр-токат билан, товуш чикармай машаккат билан огир кун кечиради, тараккиётимиз, маданий ютукларимиз, нозик рухий лаззатлар, эзгу максадлар ва ахволни яхшилаш зарурлиги тўғрисидаги баландпарвоз гапларга кизикмайди. У хатто биздайлар борлигини хаёлига ҳам келтирмайди, ишлаганда, кийналганда ва ўлаётганда бизга заррача мухтожлиги ҳам бўлмайди...

Юрагимда бундай кизгин туйгулар уйғониши учун менда асосли сабаблар бормиди? Кутилмаганда огир таассуротлар исканжасига тушиб колганим учун азоб-укубат чекаётган башариятнинг кўп кисмини ташкил этувчи биродарларимиз олдидаги масъулиятимиз кучини жуда ошириб юбормадимми? Озчиликни ташкил килувчи биз, имтиёзли гурухларга, шахарларда югур-югур, дабдаба, олижаноб курук гаплар билан овуниб юриш имконини бергани, аммо такдир хамма нарсадан махрум килган жуда катта кўпчиликнинг ярасига малхам кўйишда тамоман кучсиз бўлгани учун маданиятимиз айбдорми? Билмадим. Аммо ўшал дакикада бу туйгу ва фикрлар сели мени шундай шиддат билан босган эдики, мен унинг окимидан кутулолмас эдим, аччикланган калбим ёвузликни шархлашни, тушунтириб беришни катъиян талаб килар эди ва мен хаммасини ижтимоий тузумда, бизнинг каршимизда кад кўтарган Буюк Ёлгонда кўрар эдим... Ва мен онгсиз равишда жахоний хакикат, умумбашарий маъмурлик, бахт-саодатни орзу килган хаёлпараст-толстойчилар, мурувватли туш сохиблари ва бошка койилмаком хомхаёлларга назар ташладим.

Ўз-ўзимга тинмай савол берардим: бу бахти каро кампир бугун кимга ялинади, кимга боламли асраб ол, дейди? Бу катта, унинг учун бегона шахарда каёкка бош уради? Ким ўзига кабул килади бу кизбола бечорани, агар бугун ўлмай колса, ким бокиб олади, ўлай деб турган етимча учун бирон меҳрли она юрагини тополмаса, бир илик бешик, бу совукда котиб колган қошиқдаккина гавдачага хаёт хароратини окизишга тайёр бир кўкракни тополмаса, кампир шўрлик нима килади? Бола учун на бошпана, на меҳр-шафкат тополмаганидан кейин — гап бизнинг жамиятимиз хакида бораётгани учун шундай хол юз беришига шубха килмаса ҳам бўлади — бир оёги ерда, бир оёги гўрда турган бу қари кампир унга қандай карасин, уни қандай улгайтирсин? Бутунлай зое кетадиган уринишлар каби, ҳеч хал килиб бўлмайдиган муаммолар ҳам бўлади. Бундай муаммолар каршисида мардлик ва жасорат ҳам ўрнини бутунлай кучсизликка бўшатиб берар, инсон такдирнинг аччик карори олдида кўли ҳеч қандай ишга бормай колар экан. хакикий хаётнинг машъум шарпасини кўрмаслик учун ундан ўзини олиб қочар, ўзини кўрмасликка олар экан.

Кампир мандан тахминан ярим километрча узокка кетиб улгурган эди, мен бўлсам дам-бадам оркамга ўгирилиб, оппок лайлак кор тўрлари орасида унинг тез-тез ўзгараётган шаклчасини кўрардим. Кейин бирдан оркага кайтдим: унга етиб олиш керак! Нега? Негалигини ўзим ҳам билмасдим, лекин нимадир килишим, унга ёрдам беришим кераклигини, боланинг такдирига гамхўрлик килишим, ҳеч бўлмаганда шу совук кечада бирон ерга жойлаштиришим кераклигини сездим. Менинг шахсий шарт-шароитларим якин кишим, биродарим учун чинакамига ўз манфаатларимдан кечиб, фидойилик килиш бурчини адо этишга ҳеч қанакасига йўл бермас эди. Балки, бу бир бахонадир... Инсон ўзининг тошбағирлигини одоб-ахлоқнинг истаган бир никоби остига яширишга мойил бўлади. Аммо у ўзининг ичидаги хакам, Илохий Кози — Виждонни алдай оладими? Асло. У фақат виждон азобининг шиддатини бир оз пасайтириши, озгина тизгинлаши мумкин... Бу холис кози ҳам ўзаро келишувга, мурасага мойилрок бўлади. Мен ҳам ўзимча бир мурасага келдим: кампир бугун кечаси бошпана ва озгина сут топиб, болани

тўйгазиши учун хозир унга бир кадар пул бераман, эрталаб эса у ёк-бу ёкдан керакли маълумотлар кидираман, ҳеч бўлмаса бир кун яшаб туришига имкон топаман, шу тарика уни мукаррар ўлимдан саклаб қоламан.

Кўнглимда шундай чексиз режалар билан кампирнинг изидан югурдим. Кор кучайгандан кучайиб борар, мен энди унинг шарпасини аранг фарклар эдим. У шлагбаум олдида тўхтади; билдимки, у коровул билан гаплашяпти. У ушланиб колган вақт бизни айириб турган масофани икки баравар кискартиришга ёрдам берди. Шамол кор учкунларини учирар, гоҳида уларни буркиратиб тикка кўтарарди. Темирйўл кўтармасига етиб, шлагбаумдан ўтганимда кампирнинг катта йўлдан ўнгга бурилганини ва сўкмок бўйлаб шошганча ўрмон яланглигига йўналганини кўрдим. Бу етмиш яшар кампир қандайдир серхаракат кизалокдай кийналмай югурарди! Мен уни кичкириб тўхтатмокчи бўлдим, аммо кучли шамол овозимнинг садоларини ён томонга суриб кетарди. Нихоят у кўхна турк истехкомининг чап томонидаги Конювицага етди ва Княжевск дарёси бўйига тушди. Икки-уч дакикада мен бу дарё кўпригига етдим. Аммо хар ёкка олазарак бўлганимдан фойда чикмади. Кампир эски бир махалланинг тор кўчаларида гойиб бўлган эди. Менинг кидириш ва тентирашларимдан бир натижа чикмади: мен унинг изини ва яхшилиқ килиб қувониш имконини бутунлай бой бердим. Шамол каттик жазаваси тутиб корбўронга айланган, шиддатли тезлик билан хуфтон коронгисида кор булутларини у ёкдан бу ёкка қувар, эшик ва деразаларни тақиллатар, шу асно менинг назаримда газаби ошиб кетган табиий кучларнинг кўркинчли гувиллашлари ичида совук изгириндан қотиб колган ва очликдан ўлаётган қошиқдаққина болачанинг зорланган ва кийналиб кетган йигиси эшитилаётгандай бўларди...

Мен Авлиё Крал ёнидан ўтаётганимда, эзилиб, номусдан адои тамом бўлиб, беихтиёр черковга кирдим ва узок-узок ибодат қилдим...

*Русчадан Миразиз Аъзам таржимаси*